Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

12 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

№ 7 (512). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

БЎЛИНГАННИ БЎРИ ЕР...

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ ИККИГА АЖРАЛИБ КЕТГАНИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИГИГА СОЯ ТАШЛАБ ТУРИБДИ. УЛУҒ МАҚСАДЛАРГА ФАҚАТ ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ, БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ ЭРИШИШ МУМКИНЛИГИ ҲАММАДАН ҲАМ КЎПРОҚ ЁЗУВЧИЛАРГА АЁН-КУ АХИР!

ҚОЗОН БИР, ЧЎМИЧ БОШҚА ҚЎРИ БИР, КЎМАЧ БОШҚА

— Ўзи нима гап!

— Нима гап бўлар эди. Тинчлик.

— Э, бу сарлавҳадан неларнингдир шарпа-шамоли эстандай бўлаяпти, шекилли!

—Шундай бир шеър бор. Эҳтимол, эшитгандирсиз!

— Эшитишга эшитганману, нима демоқчи эканлигига тушумаганман.

— Тушунтириб бераймн!

— Яхши бўлар эди.

— Бўлмасам, гап мана бундай. Яхшилаб билиб, кулоққа қуйиб олинг:

Муборак мустақиллик мақомига эга бўлган жонажон жумҳуриятимиз Ёзувчилар уюшмасининг 1991 йил октябрь ойида бўлиб ўтган X қурултойи қай йўсинда тугаганн газеталарда батафсил баён этилганди. Шунинг учун бу қурултойнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада кескин тортишувлар, жиддий тўқнашувлар ҳамда кутилмаган талотумлар билан тугашининг сабаблари ҳақида тўхталиб ўтириш— ортиқча гап.

Ўша кунлари адабиётимизнинг бешигини тебратиб келган оқсоқол-арбобларимиз — Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Ҳамид Олимжон сингари мавқелари, мартабалари, иш юритиш тартиботлари, давраларга файз киритиб ўтиришдек фазилатларининг ўрни очиқ-ойдин билинди. Эҳтимол, улар ҳаёт бўлганларида бу ҚУРУЛТОЙимиз АЙРИЛТОЙга айланиб кетмаган бўлур эди.

Энди икки қопқа, икки остона; икки раис, икки раҳбарият; икки тур раёсат, икки хил котибият; икки йўсин ҳайъат, икки муҳр; бир талай мирохўр, бир тўп мулозим, қанчадан-қанча...

Ахир бир остонага бош уриб, бир ёқадан бош чиқариш қайдаю, кечагина қучоқ очиб кўришиб юрган ҳамнафас, ҳамдард кишинг билан ҳол-аҳвол сўрашиш ўрнига уни кўриб кўрмаганга олиш ёки киссангдан тош чиқазишга ҳозирланиш қайда! Нима гап ўзи, деб ўзингга ўзинг савол бериб, ўзинг изтироб чекасан киши. Тўғри, уюшмамиз биносининг теги бошда ўзга бир ташкилот тасарруфига ўтиб, эндиги кунда эса шундай бир қутлуғ даргоҳнинг бошқа бир муассасага айланиши, ДЎРМОННИНГ ЎРМОН бўлиб кетиши, имтиёз ҳамда мукофотларнинг «ишбилармон», «тилбилармон» кишиларгагина берилиши, уюшманинг вилоятлардаги айрим бўлимлари назоратсиз қолиб, номигагина ишлаб турганлиги ва шунга ўхшаш сабаблар ижодкорлар ўртасида ихтилофга олиб келди. Ва яна қалам ўрнига қилич, оқ қоғоз ўрнига қалқон кўтариб юргувчи жангари, шаддод кимсалар, мансабпараст, манфаатпарастлар, туман ёки вилоят газеталарида «Палон ерда ошхона қурилиб, ишга тушди» қабилидаги хат-хабарлари тагига «СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси», дея имзо чекиб, ўзининг кимлигини кўпга кўз-кўз қилиб кўрсатувчи каслар, та-

(Давоми 2-бетда).

«ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ...»

Атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзодада шундай сатрлар бор:
«Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи
Дарёлар собитдир, сувлар кўчкинчи.»

Умр ўткинчидир, биз эса бу фоний дунёда меҳмонмиз, холос... Эргаш бобо бундай қараса умр елдай ўтиб кетмоқда. Ўтган умрини кўз олдидан ўтказди, негадир кўнгли ғаш бўлди. Ўз-ўзидан норозилик уни кўп хаёлга чўмдирди. Ниҳоят, Эргаш бобо ўз қишлоғида сув тегирмони қуришга аҳд қилди. Тегирмон сабаб бобони бутун улус таниди, исмини ҳурмат билан тилга оладиган бўлишди. Бунинг боиси бор, албатта. Бобо тегирмондан ун тортиб берганига ҳеч ким ҳақ олмайди. Кўнглидан чиқариб сидқидилдан бобони дуо қилса бўлди. Ун тортишга келганларни зериктирмайди. Бобо ўзининг ширин суҳбати-ю бир пиёла чойини ҳеч кимдан аямайди. Туманда бобонинг тегирмонидан бошқа яна учта тегирмон бор. Аммо халқ узоқ бўлса ҳам ўн тортиш баҳона бобонинг тегирмонига келишади. 82 ёшни қаршилаётган бобо яқинда ўғли Қудрат билан ҳажга бориб келди. Чиндан ҳам Зомин туманининг «Молгузар» жамоа ширкат хўжалигининг Бешбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Эргаш ҳожи Эралиевни бутун туманда Ҳожи бобо дейдилар.

СУРАТДА: Эргаш бобо Эралиев; тегирмон.

Б. ТУРАЕВ олган суратлари, (ЎзА).



ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

● 11 январь куни Ўзбекистонда Қорақалпоғистон маданияти кунларини ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси М. Қорабоев бошқарди.

Мажлисда маданият кунлари дастури ва рамзи ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар бу санъат кўриги иккала халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади деб таъкидладилар.

25 январда Ўзбекистонда Қорақалпоғистон маданият кунлари тантанали равишда очилади.

(ЎзА).

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

СЪЕЗД... НЕЧА ПУЛ?

● РОССИЯ Федерация Олий Кенгашининг VII съезди тасдиқлаган сметага кўра 97 миллион сўмга тушиши керак эди.

«АРГУМЕНТЫ И ФАКТЫ» газетасининг ёзишича, анжуман тугамай туриб сарф-ҳаражат 100 миллион сўмдан ошиб кетган. Ахир Кремлдаги съездлар залининг бир кунлик ижара ҳақи 260 минг сўмга тушса, депутатларга хизмат қиладиган машиналар кунига миллионлаб пулни «ямлаб» турса, съезд неча пул бўларди дейсиз.

«Мажлисбозликни йўқ кўргани кўзим» деганди Маяковский, наҳотки, 70 йил олдинги кўра олган бўлса?!

ЎЛГУДАЙ ЭМАС, ЎЛГУНЧА ИЧДИ

● СМОЛЕНСК вилояти қишлоқларидан биридаги дўконга янги йил арафасида сиғими 250 грамм (чораста) нархи 47 сўмли «Амбра» атири келтирилди.

АРАҚНИНГ нархи осмонда бўлган бир пайтда арзонгина атир ичкиликка ружў қўйганларга Оллоҳнинг марҳаматидек гап. Икки улфат бир бўлишиб «Амбра»дан бир эмас, олти шишасини олишди. Татиб кўришса, чаккй эмас. Улфатлардан бири озгина газак топиб келиш учун кетди. Ярим соатлардан кейин бироз нон ва чўчқа ёғи билан қайтиб келса, шериги хайр-мазурни ҳам насия қилиб фонийдан боқийга рихлат қилибди. Сабаби — шеригини кутишга сабри чидамай, ўз улишини — уч шиша атирни ичиб қўйган экан.

ХОРИЖИЙЛАР БИР-БИРЛАРИНИ МОСКВАДА ШИЛИШАЯПТИ

● ҲИНДИСТОНЛИК икки саёҳ африкалик нотаниш шахс билан «Славянская» меҳмонхонасида танишиб, Чехо-Словакияга ўтиш учун хужжат тўғрилашга ёрдам беришни илтимос қилишди.

НИГЕРИЯЛИК устамон шуни кутиб турган экан шекилли, ҳиндларни ўз уйига олиб келиб, бу ердаги шериклари билан бирга меҳмонларни обдон шилишди. Аммо 12 минг доллар уларга кам кўринди. Ҳиндлардан бирини гаров учун олиб қолишиб, иккинчисидан яна 2 минг доллар топиб келишни талаб қилишди...

Очкўзлик панд бериб, қароқчилар кўлга олингач, уй тинтув қилинганда яна 66 хорижий фуқаронинг паспорти топилди.

ЖИННИ БЎЛМАСА ШУНДАЙ ҚИЛАРМИДИ?

● УЧ-ТУРТ кунлик ўйнаб-кулганини ҳисобга олмаса, почтачи Олег Хутуровнинг «жинни»лиги ўзига қимматга тушди.

«АРДАГЕР» жамиятида кампир-чолларнинг нафақаларини уйларига элтиб берувчи О. Хутуров Фрунзе районн ижтимоий таъминот бўлимидан 60 минг сўмни олдию феъли айниди. Шунча пулни қариялар нима қилишади, деб ўйлади шекилли, аввалига ресторанга кириб обдон мириқди. Кейин квартира олиб, «шоҳона» ҳаёт бошлади.

Лекин ҳозирги кунда 60 минг сўм ҳеч қанча кунга етмас экан, кўз очиб юмгунча тугаб қолди. Бу орада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишга тушди. О. Хутуровнинг ўзини жиннликка солиши ҳам иш бермади, экспертлар ҳақиқатни ошкор қилишди. Текин айшу ишрат ишқибози уч йилга озодликдан маҳрум этилгани устига, қарияларнинг 60 минг сўм пулларини қайтариб берадиган бўлди.

ҲАЛОЛ ЭКАН, ЎЗИГА БУЮРДИ

● ГОЛЛАНДИЯЛИК дўкондор бир кунлик савдодан тушган пулни уйига олиб келиб, ошхонадаги ахлат идишига яширди.

ЭРИНИНГ бу ишидан бехабар хотин эрталаб идишни ташқаридаги ахлат яшигига ағдарди. Буни эшитган дўкондорнинг капалаги учиб кетди. Ахир 30 минг доллар (айниқса, бизнинг пулга чаққанда), озмунча пулми?!

Бечора эр-хотин дўкон хизматчиларидан уч кишини ёнларига олиб, уйларига энг яқин ахлатхонани 36 соат давомида тўхтовсиз титишди. Чунки, 300 дан зиёд уйдан чиқадиган ахлатларни бир бошдан титиб чиқишнинг ўзи бўлмайди-да.

Аммо пуллари ҳалол экан, 36 соатлик уринишлар зое кетмади.

• *Қутлов*

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ— ҲАММА НАРСАДАН УСТИВОР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ БИЛАН Б. М. МУСТАФОЕВ ЖУМҲУРИЯТ БОШ ПРОКУРОРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНГАНИ ҲАҚИДА ИЛГАРИ ХАБАР ҚИЛГАНДИК.

Бўритош Мустафоевич МУСТАФОЕВ 1949 йилда Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Уртақишлоқда таваллуд топти. Олий адлия маълумотига эга. 1971 йилда Тошкент давлат дорилфунунининг адлия факультетини тамомлаган. 1971—1973 йилларда Самарқанд вилояти прокуратурасининг тергов бўлими прокурори бўлиб ишлади. 1973—1976 йилларда Самарқанд вилояти Нарпай тумани прокуратурасида терговчи. 1976—1978 йилларда Самарқанд вилояти Оқтош шаҳар халқ судьяси, 1978—1979 йилларда Самарқанд вилояти Жомбой туманн прокурори лавозимларида ишлади. 1983—1985 йилларда Самарқанд вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, 1985—1989 йилларда Андижон вилояти прокурори бўлди. 1989—1990 йилларда Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1990 йил 23 июлдан Ўзбекистон Республикаси прокурори бўлиб ишлаб келди.

— Бўритош Мустафоевич, янги лавозимга тайинланганлигингиз муносабати билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» муштарийлари номидан самимий табригимизни қабул қилгайсиз. Фурсатдан фойдаланиб, прокуратура тизими ва унинг фаолиятида юз берган бошқа ўзгаришлар ҳақида ҳам шахсан ўзингиздан эшитмоқчи эдик.

— Бош прокурор мақомнинг жорий этилиши бир қатор янги қонунлар қабул қилинганлиги билан боғлиқдир. Ана шу қонунларда бунга тааллуқли махсус моддалар мавжуд. Чунончи, Ўзбекистон Жумҳуриятн Конституцияси ва прокуратура тўғрисидаги қонун Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Ҳар қандай мустақил давлат нафақат бошқарув тамойилига, балки, аввало, фуқароларнинг қадр-қиммати ва обрўсини, қонунларнинг устиворлигини таъминлайдиган тизимларга ҳам эга бўлмоғи керак. Ҳамма соҳаларда — сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий муносабатларда шундай бўлиши шарт. Бу — прокуратура фаолиятидаги етакчи вазифалардан бири бўлиб, жиноятчиликка қарши кураш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишда намоён бўлади. Ҳуқуқий давлатни барпо этишга қўшадиган бизнинг ҳиссамиз асосан шундан иборатдир. Ҳуқуқий давлатда эса ҳар бир кишининг осойишталиги ва турмуш фаровонлиги кафолатлангандир.

Прокуратура таркибидаги ўзгаришлар масаласига келсак, шуни таъкидлашлозимки, улар юқорида айтганимиздек, жумҳуриятимиз мустақил деб эълон қилинганлиги билан боғлиқдир. Биз катта ҳуқуқ ва ваколатларга, биринчи навбатда мустақилликка эга бўлдик. Илгарилари эса прокуратуранинг бутун фаолияти кўп жиҳатдан марказнинг кўрсатмасига қарам бўларди. Маълумки, бундай кўрсатмалар жойлардаги ҳақиқий аҳвол ҳисобга олинмаган ҳолда берилаверарди. Ҳамма масалалар, ҳатто кадрларга тегишлиси ҳам Москвада ҳал этиларди. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, туман прокурорлигига биз кўрсатган номзодлар рад этилган. Москвага юбориш учун тайёрланадиган турли-туман ҳисоботлар жуда кўп вақтимизни оларди. Хайриятки, бундай ортиқча ва мутлақо кераксиз оворагарчиликлардан халос бўлдик.

Энди асосий эътибор прокурорлик назоратининг пировард натижаларига, уларнинг сифати ва жумҳуриятимиз фаровонлигига қўшадиган самарасига қаратилмоқда. Зеро, энди нафақат қонун неча марта бузилганлигини аниқлаш, балки, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларга етказилган зарарни нақд ундириб олиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бош прокурорнинг ваколатига келсак, бу жуда юксак бўлиб, у ҳам ўз навбатида бутун жумҳурият халқи олдида, Ўзбекистон Жум-

(Давоми 2-бетда).

Акс-садо

ВУЛҚОН ЧЎТУР:

ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган тарихий учрашувида ушбу минтақа мамлакатларининг тараққиёт йўлига чиқиб олиши учун ғоят муҳим келишувга эришилди. Шу сабаб минтақада яшовчи, халқларгина эмас, жаҳондаги дўст мамлакатлар аҳли ҳам бу анжуман якунларига юксак баҳо бермоқда. Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вулқон Чўтир анжуман якунлари ҳақида мухбиримизга қуйидаги фикрларни билдирди:

Туркия мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этишга имкон берадиган Марказий Осиё халқларининг бундай Ҳамдўстлиги ва ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди. Чунки Ҳамдўстлик доирасидаги муносабатларнинг ривожланиши унга аъзо бўлган давлатлар учунгина эмас, улар билан ҳамкорлик қилаётган бошқа мамлакатлар учун ҳам бирдек фойдалидир. Учрашувнинг муҳим аҳамияти шундаки, унда Марказий Осиёдаги яқинда мустақиллигини қўлга киритиб, ўзини тутиб олишга интилаётган давлатлар раҳбарлари ҳеч бир ихтилофсиз умумий фикрга келдилар. Марказий Осиё давлатларининг муаммоларни тезроқ бартараф этиб, қудратли бўлиши бизни қувонтиради.

Бу анжуманда Тожикистон Республикасининг иштирок этиши, айниқса, фойдали бўлди, деб ўйлайман. Зеро, дўст давлатлар халқларининг ёрдами билан бу заҳматкаш юрт халқининг ғоят тезроқ барқарор тинчликка, фаровонликка эришиши мумкин бўлади.

Туркия ахборот воситалари Тошкентда бўлиб ўтган бу муҳим учрашувга ғоят катта қизиқиш билан қараб, уни кенг ёритдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, учрашувда эришилган аҳдномаларнинг бажарилиши мазкур минтақадаги давлатларнинг халқаро майдондаги обрўсига обрў қўшади. Келгусида Марказий Осиё Ҳамдўстлиги минтақа давлатлари иқтисодиётининг жаҳон интеграция жараёнига тезроқ қўшилиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

(ЎзА).

ҚОЗОН БИР, ЧЎМИЧ БОШҚА ҚЎРИ БИР, КЎМАЧ БОШҚА

(Давоми. Боши 1-бетда).

лаба ёки меҳнат аҳли билан учрашувларда ўзларини тирик классик қилиб кўрсатиб (ҳозир одамларни алдаб бўладими, айниқса, талабаларни) аравани қуруқ олиб қочувчи, бир арава хашак учун ёзувчилик гувоҳномасини пеш қилувчи «ижодкорлар» сафимизда насибага лойиқ топилади. Лекин начора, кулба мўрисиз, шоли курмаксиз, қудуқ челаксиз бўлмас деганларидай...

Ва лекин юқорида санаб ўтилган майда иллатлар уюшмамизнинг иккига бўлиниб кетишига сабаб бўла олар эдими? Неча йиллар орзу қилган истиқлоллик мақоми насиб этган, ўз туғига, ўз туғросига, ўз фахриясига, ўз Президентига эга бўлган жонажон, жабрдийда халқимизнинг ўтмишини, бошимиздан кечаётган бугунги қийинчилик кунлардан эсон-омон чиқиб олиш йўлларини, ёрқин эртасини (оққан дарё оқмай қолмас) тўғри, холис ёритиш, жасорат билан борлиқ имкониятимизни ишга солиб ижод қилиш ўрнига икки аравага ўтириб олиб, сен у ёну мен бу ёндея икки хил ашула айтишимиз матлабимизга, маслагимизга тўғри келар эканми? Бу ҳол, бу аҳволимиз ғанимларимиз учун қўл келмасми экан?

Аслида, шундай ғанимлар ўз орамизда борга ўхшаб кўринади. Улар — биринчи навбатда ўз манфаатларини ўйлаган нафс ва таъма, амал ва тамал бандалари! Шахсиятлари билан шеърият (ижод)лари бирдай баланд ҳамкасбларимизнинг ҳам бошларини айлантириб, ҳам кўзларини тиндириб, уларни шайтон йўлига бошлашга урингувчи минбарфурушлар!

Ижодкорларимизнинг иккига бўлиниши эл орасига нурдан тез тарқалиб, барчани ҳайратга солиб, лолу ҳайрон қолдирганини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Энди эл орасида эшитган фикр мулоҳазалардан айримларини қандай бўлса, шундайлигича келтирай:

— Жозувчилар ҳақни ҳаққа, ноҳақни ноҳаққа ажратиб, бизга ўхшаган овом одамларни олдинга бошлаш ўрнига ўзлари жиққамушт бўлиб жатқандан сўнг, биз энди кимга ишониб, кимга эргашамиз?

Муҳаммадқул ЖУМАН ўғли,
Деҳқонобод туманидаги Турған Аҳмедов номидаги жамоа хўжалиги аъзоси.

— Қозони бошқанинг қайғуси бошқа. Шунга ўхшаб бу ёзувчиларимизнинг қалъақўрғонлари бошқа-бошқа бўлганидан сўнг МАҚБАРАЛАРИ ҳам айро-айро бўлса керак энди?

мулло Иброҳим АБДУЛЛО қори ўғли.

— Зиёлиларимизнинг сену менгача бориб етишлари оқ товуқ сомон сочар... деган гапни ёдга солади. Қрим-татар халқи қарийб 47 йилдан бери бир тан, бир жонга айланиб ўз ораларидаги гапни остоналаридан чиқазмай келиб, охири муродига етди. Ўзбек ёзувчилари шундан ўрнак олса бўлмасмиди?

Урие ЭДЕМОВА.

— Бу қаламкашлар нимага талашиб, нимага тортишаётир ўзи? Бу асли, бир ёққа қарасам отам йиғлайди, бир ёқа қарасам бўтам йиғлайди, дегандай гап эмасми? Мен шунга тушунмай турипман.

Абдулҳай АБДУШОҲИДОВ,
оқсоқол.

— Бир оиланинг иккига бўлиниши муслим аҳли учун мусибат саналади.

Абдураҳмон БОБОШЗОДА,
Гулистон санъат билим юртининг ўқитувчиси, машҳур найчи.

— Абдулла ҚОДИРИЙ амал кетидан шуҳрат қозонган эдими? Машраб тахт-тожга талпиниб тилга тушган эдими?..

Умрзоқ ЎЛЖАБОЕВ,
адабиётшунос.

Алҳосил, халқимизнинг борлиқ дард-ҳасратларини, умид-истакларини ўз асарларида акс эттиришдек муқаддас мулкка эга бўлган, эл-улусимизнинг овозини, нафасини ифода этишдек мумтозсоз соҳиблари қайта бошдин бирлашиб, биргалашиб ойдин бир йўлга тушиб олишлари — бошимизга қўнган бахт қушининг қайтадин ўз қўналғасига қўниши деган гап. Бу бахт қушини на қумри, на ҳуд-ҳудга; на андалиб, на самандарга; на анқо, на ҳаққушга тенглаб бўлади. Бу — тенгсиз, тимсолсиз бир қуш. Бизга худо шу қушни кўп кўрмаса бўлғани. Қайга учиб, қайга қўнарини билмай сарсон-саргашта бўлмаса бўлгани. Бу—кўзга кўринмас, кўриб бўлмас илоҳий Қуш қанотининг қайрилгани — ўз манзилига етолмай масканидан айрилгани, сўнгра эса бир бурда лошга айланиб қарға-қузғунларга ем бўлгани. Буни худо кўрсатмасин. Бундай мусибатни бошимизга солгулик қилмасин. Бундай фалокатнинг олдини қанча тез олсак, шунча яхши!

Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Ойбек, Шароф Рашидов мисоли улуғ сиймоларимизнинг бешикларини тебрата келган қутлуғ даргоҳимизнинг ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН АДИБЛАР ИТТИФОҚИ деган номлар иккига бўлиб туриши дўст дилини вайрон қилиб, душман кўнглини кўтараяптику!

Энг ачинарлиси — қайси томон билан гаплашгудай бўлсанг, ўзларини оппоқ қилиб, у томондагиларни азозилга ўртоқ кўрсатишга киришиб кетишлари. Халқ эса, гап қувган балога йўлиқар, из қувган хазинага, деб айтиб қўйибди.

Очиғини айтганда, қозон ҳам, қўр ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонида. Чўмич кўтарган эса кўп. Каминаи камтаринларининг ўзлари маошни Уюшма томондан (уялмай, нетмай) олиб келадилар. Саноқда эса Адиблар сафинда.

Ҳадиси шарифда айтилишича, кек сақлашнинг, гина-кудрат қилишнинг муҳлати — уч кун. Уч кундан ошгач... Бу ёғини айтмаса ҳам бўлади... Шу важдан бир ёқадан бош чиқармоқликдан, бир дастурхон атрофида давра қилмоқликдан бошқа йўл йўқ. Акс ҳолда, мен-менга завол, деган ҳикматни эслаш, тазарруъ қилиш жоиз. **Ва ниҳоят, жумҳуриятимизнинг барча оқсоқол ёзувчиларига бирлашиш йўлида тавфиқ, ёшларга инсоф, одоб-андиша; ҳамма-ҳаммаларига эса илоҳий илҳомлар тилаб, юқорида зикр этилган ҳам бегуноҳ, ҳам қудратли қушимизнинг бир ерга қўниб, бир ерда ошён қуришига имкон яратишга ҳар биримиз масъулмиз.** Шунда келгуси салафларимиз, она халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши равшан.

Тўра СУЛАЙМОН.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ— ҲАММА НАРСАДАН УСТИВОР

(Боши 1-бетда).

ҳурияти Президенти олдида масъулдир. Унга, аввало, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва ҳимоялашга қаратилган кенг кўламли фаолиятни тартибга солиб турадиган буйруқлар чиқариш ҳуқуқи берилган.

— **Ўзбекистон Жумҳурияти прокуратураси тўғрисида Қонун қабул қилинди. Ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўл-йўриқлари хусусидаги гапни давом эттириб, Сизнинг қуйидаги масалага оид фикрингизни билишни истардик: янги қонуннинг қабул қилиниши фуқаролар ҳаётида қай йўсинда акс этади ёки у, айримларнинг айтишича, фақат касбий фаолият учун алоҳида қўлланмами?**

— Янги қонун, албатта, биринчи галда прокуратуранинг бутун фаолияти шаклланадиган пойдевордир. Шу пайтгача биз иттифоқ қонунларига асосланиб келдик, уларнинг анчагина қоидалари бутунлай эскириб кетди. Чунки, жамиятимиз ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди ва бу жараёнларни ортга қайтариб бўлмайди. Жумҳуриятимизнинг мустақиллиги тан олингани муносабати билан бундай қонун ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Бозор муносабатларига ўтиш масаласига келсак, бизнинг бу соҳадаги фаолиятимиз қонун билан белгилаб қўйилмаган эди. Иқтисодда эса ўнлаб янги тизимлар вужудга келди. Энди биз янги қонун тимсолида мустаҳкам асосга эга бўлдик ва прокурорлик назоратини шу асосда қураяпмиз. Бу жумҳуриятимиз иқтисодиётини ҳар хил шубҳали корчалонларнинг тажовузларидан ҳимоя қилиш, демакки, фуқароларимиз фаровонлигини муҳофазалаш борасидаги фаолиятимизни кучайтириш имконини беради.

Янги қонундаги бир қатор қоидалар фуқароларга кенг ҳуқуқлар беради. Ўз ҳуқуқ ва манфаатлари камситилган дея ҳисобловчи ҳар бир киши ёрдам сўраб прокуратура ҳо[...]лга мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолларда бизнинг мақсадимиз нафақат ҳақиқатни қарор топтириш, балки, давлат сиёсатини обрўсизлантираётган тўралар, бюрократларнинг жазоланишлари муқаррарлигини таъминлаш ҳамдир.

Пировардида шуни таъкидлашни истардимки, янги қонунни яратишда прокуратура ходимлари, депутатлар, олимлар ва шахсан Президент фаол қатнашдилар. Шунинг ўзи ҳам ҳуқуқий давлат қуриш йўлида янги қадамлар ташланаётганлигига амалий далилдир. Барқарорликни сақлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва даҳлсизлиги ҳақида қайғуриш — ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим принципидир. Бу принциплар ҳозирданоқ мустақил, эркин давлатнинг истиқболи учун хизмат қила бошлади.

Суҳбатдош:
Л. ЭБЕРЗЕНОК,
(Ўз мухбиримиз).

• Инсон ва қонун

ОЛИЙ ЖАЗОГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

Нарх-наво осмонда, энидан тортсанг бўйига етмайдиган замонда бир этак болани боқишнинг ўзи бўладими! Саккиз нафар қора кўз ейман-ичаман деб кўз тикиб турса, Жўрабой ака машинасининг юкхонасига 2 та қопни ташлади-да, Асакадан Андижон шаҳрига бориб, дон-дун, ғалла олиб келмоқчи бўлди. У ерда турли юмушлар билан кунни кеч қилгач, уйга қайтар чоғи темир йўл вокзалида уни уч киши тўхтатди.

Орадан бир оз вақт ўтиб йўлкира ҳақида тортиша-тортиша бир қарорга келишди чоғи, машина Чинобод томон йўл олди...

...Қўқонлик Шокир Баратовнинг на иш жойи, на касбининг тайини бор. Кўрқўрни қоронғуда топади деганларидек, темир панжаралар ортида танишган ҳамтовоғи — Балиқчидаги Чинобод қишлоғида яшовчи Ғулом Қосимовни кўргиси келиб қолди-ю, ҳеч иккиланмай ўша ёққа жўнади. Бу ташрифдан боши кўкка етган Ғулом акаси Собир билан меҳмонни «Чинобод» ресторанига бошлади. Юз кўришганлик, панжара ортида қолган хотиралар деганларидек, бир зумда улар бир неча шишани енгиллатишди-да, Ғуломнинг таклифи билан узун-қисқа бўлиб Андижонга, эски танишиникига йўл олишди. Бека ҳамтовоқларни очиқ юз билан кутиб олиб, ичимлик билан хўп сийлади. Лекин «кўнгилхушликка» келганда оёқ тираб туриб олди. «Қоронғуда топишганлар» зиёфатдан кўнгиллари тўлди-ю... Ҳайтовур жанжал-тўполонсиз хонадонни тарк этганларида Жўрабой акага дуч келишди. Шокирнинг Жўрабой ака билан йўлкирани баҳолашганда авзойи бузилди. Ҳайдовчи юмуш билан йўлда машинадан тушганда у улфатлари кўнглига қўл солди:

— Ҳе йўқ, бе йўқ машинали бўлиб қолсаларинг нима бўларди.

Ака-укаларнинг юпун кийинган ҳайдовчига раҳмлари келди чоғи:

— Жабр бўлмайдими, — дейишди.

— Ўзидан кўрсин, — кўрслик қилди Шокир.— Менинг гапимни икки қиладиган ҳали туғилгани йўқ. Машина масаласига келсак, уни бир ёқли қилишни менга қўйиб беринглар. Отам автосервисда қоровул бўлиб ишлайди. Бўлакларга бўламизда, элтиб берамиз, мана-ман догани ҳам қидириб тополмайди. «Чинобод» жамоа хўжалиги ҳудудига етишганида Шокирнинг буйруғи билан машинани тўхтатган Жўрабой ака орқа ўриндиқда кетаётганларга қараб улгурди, холос. Ўткир тиғ унинг биқинига санчилди. Тирқираб отилган қон машина ичини қип-қизилга бўяди. Жўрабой ака жон аччиғида қичқириб юборди. Беихтиёр «нега?» дея қонхўрларга қаради. Аммо кейинги зарба янада қаттиқроқ урилди. Жўрабой аканинг умри далада ўтган, жуссаси чайир эмасми, бир зум ўзини тиклади. Шу заҳотиёқ Ғулом унинг қўлларини бор кучи билан орқага қайирди.

— Жон укалар, бас қилинглар, машина керак бўлса сизларники, — илтижо қилди у.

Ақл-ҳушини йўқотган ваҳшийлар унинг нолясини эшитиш у ёқда турсин, пичоқни яна 19 марта ишга солишди. Жўрабой аканинг гавдаси бўш қопга ўхшаб қолди. Шундай бўлса-да, у жон таслим қилмасди. Сўнг Шокир бўғзига тиғ тортди...

Машина Чинобод қишлоғидан ўтган катта Андижон каналига етгач, мурдани сувга ташлаш чоғи Шокир ҳамтовоғининг қўлини ушлади:

— Тўхтаб турчи, чўнтагида бирор нарса бордир.

У адашмаган эди. Ҳайдовчининг ҳамёнидан минг сўм пул чиқди: 50 сўмни Ғуломга берди-да, таъкидлаб қўйди:

— Ўтишиб кетармиз.

Ваҳшийлар «Намуна» жамоа хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи сойда ювиниб олишгач, Ғуломнинг таниши Жўрақулов хонадонига бордилар.

— 10 минг сўм бериб тур, — пул сўради Ғулом.—Гаровга машинани қўйиб кетамиз. Жуда-жуда зарур эди. Бемаҳалда келган «меҳмон»ларнинг афт-ангорини кўрган Жўрақулов саросимага тушиб қолди.

— Пул қаёқда,— елкасини қисди у.— Ўзимиз ҳам қийналиб турибмиз.

— Ундай бўлса,— Ғуломнинг кўз ўнгида машина ичидаги қон гавдаланади,— «Жигули»ни четроққа олиб бориб ёқиб юбор.

Гапнинг очиғи мезбон бундай қилолмасди. Ахир машина олов бўлиб ёнса биров кўрмайди, унинг овозасини ҳеч ким эшитмайди деб кафолат бериб бўладими? У алдаб-авраб меҳмонларни тинчлантирди. Тонг отгач, Шокир Баратов жиноятни яшириш мақсадида марҳумнинг телпаги, қон юқи уст-бошлар, пичоқни қоғоз қопга солиб ака-укаларга топшириқ берди:

— Мен кетдим. Машинани бир ёқли қилмасаларинг бўлмайди.

Ака-укаларнинг мастлиги ҳали тарқамаган, парвойи фалакда эди. Улар «Жигули»ни узоқроқда тинчитиб келмоқчи бўлишди. Лекин Балиқчи туманидаги «Социализм» жамоа хўжалиги ҳудудига келдилару, транспорт юрмай қолди. Кейин улар машинани ўз ҳолига ташлашди-да, жуфтакни ростлаб қолдилар...

Кўп нарсани ойдинлаштириб берган марҳумнинг жасади бир ойдан сўнг катта Андижон каналининг Комсомолобод районидан ўтувчи қисмидан топилди. Жиноий ишни вилоят халқ суди кўриб чиқиб, уларнинг ҳар учаласи — Ш. Баратов, ака-ука Ғулом ва Собир Қосимовни олий жазога ҳукм қилди.

Й. ҒАНИЕВ,
Андижон вилояти прокуратурасининг бўлим мудири.
Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎҒИЛ БОЛАЛАР ЛИЦЕЙИ

• НУКУС. Яқинда шаҳарда туркия мутахассисларининг ёрдами билан ўғил болалар лицейи очилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҳаётида муҳим воқеа бўлган лицейни тугатган йигитларимиз дунёдаги энг ривожланган мамлакатларга бориб ўқишлари мумкин.

Ўқув машғулотлари турк, инглиз ва қорақалпоқ тилларида олиб борилади. Болалар ётоқхоналар билан таъминланган. Ҳар ўн беш ўқувчига бир ўқитувчи бириктирилган. Бу йил лицейга 75 нафар қобилиятли бола қабул қилинди.

Бундан 60 йил аввал Тошкент экскаватор заводининг конвейеридан биринчи машина ишлаб чиқарилган эди. Бугунга келиб корхонанинг қуввати ўнлаб марта ошди. Ва ҳозирга келиб ҳар ойда буюртмачиларга 60—70 та экскаватор етказиб берилмоқда. Шунингдек, маҳсулот сифати ошди. Янги моделларга ҳам ўтилмоқда.

Бугунги кундаги қимматчиликка қарамасдан, хом ашёнинг тақчиллигига чек қўйган ҳолда корхона меҳнат жамоаси ишлаб чиқариш суръатини пасайтирмаётир. Экскаваторларнинг нархи ошганлиги харидорларни ҳам чўчитмаяпти. Буюртмачилар шуни биладиларки, яхши машина учун харажатни аямаслик керак. Чунки у ўз харажатларини енгил қоплаб кетади. Тошкентликлар ишлаб чиқараётган экскаваторларни Ҳамдўстлик мамлакатларининг кўплаб ташкилот ва корхоналари сотиб олмоқда. Бу корхонанинг кучли машиналари унинг якка маҳсулоти эмас. Бу ерда ўнлаб кичик корхоналар ҳам фаолият кўрсатяпти. Уларда халқ истеъмол молларининг кўплаб турлари ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда Тошкент экскаватор заводида бир ярим минг ишчи меҳнат қилади. Корхонада кадрлар қўнимсизлиги барҳам топган. Чунки бу ерда ишлаш учун барча шароитлар мавжуд. Корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ишчиларга ва дам олиш шароитларини яратиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

СУРАТДА: 1. Инженер А. М. Бугаев ва слесар-йиғувчи Г. Н. Бойко ҳамда Т. А. Йўлдошевлар. 2. Корхона цехларидан бирининг умумий кўриниши. 3. Завод ана шундай кучли экскаваторлар ишлаб чиқаради.

А. КОНДРАШКИН олган суратлар.

• Мухбир бонг уради

ХУДБИНЛИК

«Етимни урма, сўкма, тўнини йирт», деган нақл бор. Кўпдан бери бу нақлга амал қилмай қўйишганди. Аниқроғи шу тахлит иш тутувчи айрим тўралар, амалдорлар, бойвуччаларга кесатиқ ўрнидагина айтилиб, тескарисини қилиш расм бўлганди.

Хоразм воҳасида бу нақлга амал қилувчилар қолмади ҳисоб, деб юрардик. Вилоят марказида содир бўлган воқеа бизни ўйлантириб қўйди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг ишчилари корхона маъмурияти ва шаҳар мутасаддиларининг сукутона ризолиги оқибатида уй-жойларни куппа-кундузи эгаллаб олдилар.

Улар етимни урганлан, сўккандан, тўнини йиртгандан ҳам баттар қилишди. Адолат ҳа деганда қарор топавермади. Ҳеч ким йиқилганни суямади. Адолат тантанасини нақ бир йил кутишди. Барибир бўлмади, сабр-бардош тугади.

Бошпананинг тортиб олиниши фақат биринчи гуруҳ ногирони сўққабош Икром Муродовнинггина бошига кулфат ёғдиргани йўқ, бутун бошли шаҳар кўрки-жамолига путур етказди. Унинг тўрт нафар қўшнисининг уйини ҳам ўзгалар эгаллаб олишди. Улар истиқомат қилган эски иморатлар бузилиб, ўрнига янгиси қурилди-ю, унга бошқа бировлар кўчиб ўтишди? Вайронадагилар ўз уйларида қолавердилар. Муродга етмаганлар истиқомат қилаётган мозорсифат бино сайёҳлару, меҳмонлар кўз ўнгида. Афсуски, шаҳарнинг қоқ марказидаги М. Шерозий (собиқ «Пионер») кўчасида жойлашган Деҳқон бозорининг шундоққина биқинида кимларнингдир боқибеғамлиги ва эътиборсизлигини ифода этгандай қаққайиб турибди. И. Муродовнинг оиласи ва яна тўртта қўшни оилага «Ўзбекистон» кўчасидаги кўп қаватли янги иморатдан уй-жой ажратиш юзасидан (собиқ) Урганч шаҳар ижроия қўмитаси 1991 йил 17 сентябрда қабул қилган 226 сонли қарор қоғозда қолиб кетди. Ўзига хатлаб берилган хонадонни завод ишчиси Ботир Шарипов эгаллаб олганини эшитган И. Муродовнинг не куйга тушганини ўзингиз тасаввур қилаверинг. У ижроқўмга бош уриб борди. Аммо, бемаврид келган эканми, гапни чўзиб ўтирмай кўчани кўрсатиб қўйишди.

— Қарорни чиқазиб, ордерни қўлингизга тутқаздикми, тамом, вассалом, тартиббузарни уйдан чиқариш ўзингизга ҳавола, хоҳласангиз судга арз қилинг, — деди пинак бузмай уй-жойларни тақсимлаш бўлими бошлиғи У. Отажонов. Икром аканинг: ахир бир зўравоннинг танобини тортишга ҳукумат идораси ожизлик қилса, ногирон бошим билан мен нима қилай? Ёрдам беринглар, судма-суд юришга иложим йўқ, — деган илтижоли сўзлари ҳам ҳавода муаллақ қолди. Бироқ, истиҳолага боришдими ёки текшир-текширдан ҳадиксирашдими, ҳар қалай прокуратурага икки энлик хат жўнатишди. Прокуратура ҳам бу ишга юзаки муносабатда бўлишдан нарига ўтмади. Хат халқ суди маҳкамасига ўтказилиб юборилди. Шу ерга келганда излар йўқолди. Ижроқўм ўз сўровининг тақдири билан қизиқиб ҳам кўрмади. Оқибат шу бўлдики, даъвогарнинг ҳақли талаби на инобатга олинди, на рад этилди, на кўриб чиқилди-ю чора кўрилди, ҳатто бир энликкина жавоб ҳам йўллашмади.

Ҳозир шикоят қилганларнинг кўнгли вайрона. Уларнинг қалб уйи-ку аллақачон қулаган. Вайрона уйлари қулаб, бирон қориҳол рўй бермасин-да. Худо кўрсатмасин.

Урганч қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи маъмурияти жамоа меҳнатини қадрлаб эҳтиёжмандлар учун уй-жойлар қураётгани айни муддао. Бироқ, ҳар бир ишнинг ўз тартиб-таомили бор. Бинобарин эзгулик иймон туфайли рўёбга чиқмас экан, буни яхшилик деб бўлмайди.

Бу иморат корхона маблағи эвазига қурилганини ҳеч ким инкор этмайди. Демак, бино—жамоа мулки, завод ишчи-хизматчилари ихтиёрида. Аммо бошқа бир тартиб-қоида (собиқ) Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг 1984 йил 26 сентябрда қабул қилган қарори ҳам амалда. Республика фуқароларининг уй-жой шароитини яхшилашга қаратилган бу қарорни ҳеч ким тақиқлаган ёки инкор этган эмас. Мазкур ҳужжатда корхоналар, ташкилотлар, идора ва муассасалар барпо этадиган уй-жойларнинг 10 фоизини маҳаллий ҳокимият маҳкамалари ихтиёрига бериш кўзда тутилган. Демак, завод қурган мазкур 48 хонадонли уйнинг 5 таси ижроқўм ихтиёрига берилиши шарт эди. Афсуски, корхона маъмурияти, шаҳар ижроқўми билан тузилган шартномага амал қилмади, маҳаллий ҳокимият ихтиёрига биронта ҳам хонадон бермади. Ижроқўм эса битимга амал қилиб, 5—10 йиллар муқаддам бузилиши зарур эски бинода то ҳанузюрак ҳовучлаб яшаётган И. Муродов, А. Жалолов, З .Маҳмудова, И. Матназаров, А. Назаровларнинг оилаларини ана шу иморатга кўчириш юзасидан қарор чиқарди. Ўзаро ҳамкорликнинг йўқолиши, баҳамжиҳатликнинг кўтарилиши шундай оқибатга олиб келди.

Хўш, ким ҳақ? Ноқонуний хатти-ҳаракатни оқлайдиган важ йўқ. Квартираларни зўравонлик билан эгаллаб олганларнинг турмуш шароитлари қўлида васиқаси борларга қараганда хийла яхши. Чунончи кўзи ожиз И. Муродовнинг 2 хонали уйини ўзиники қилиб олган Б. Шарипов квартира олувчилар навбатига 1986 йили ёзилган. Шарт-шароити яхши бўлган ётоқхонада яшаган. А. Жалоловнинг оиласи учун ажратилган уч хонали уйга кириб олган А. Бобожоновнинг оиласи 4 кишидан иборат. Бунгача у отасига қарашли уйда даҳлсиз яшаб келган. Ариза берганига икки ярим йил тўлмаёқ данғиллама квартира соҳиби бўлган. Сурункали бетоблиги етмагандай жўжабирдай беш жон билан атиги 15 квадрат метр саҳнли хонада қисилиб-қимтиниб яшаётган З. Маҳмудованинг уч хонали уйини эса И. Авазматовнинг тўрт кишилик оиласи эгаллаб олибди. Ваҳоланки, бу оила бировга аталган уйни ўзиники қилиб олгунга қадар саҳни 29 квадрат метрли уйда бемалол яшаб келган. Вазият билан танишаётиб, И. Матназаров ва А. Назаровларга тегишли квартираларга зўравонлик билан кириб олган Б .Авазниёзов, А. Абдуллаевларнинг турмуш шароити ҳам хийла дуруст эканига ишонч ҳосил қилдик.

Завод директори О. Отажонов ва касаба уюшмаси раиси Э. Мирзаевнинг имзоси билан «Халқ сўзи» мухбирлик қароргоҳига юборган изоҳномада уйларни ноқонуний эгаллаб олишнинг талай важ-карсонлари кўрсатилган:

«1986—91 йиллар мобайнида корхонамиз маблағи эвазига жами 138 квартирали уй-жойлар қурилди. Унинг 91 тасида заводимиз ишчи-хизматчилари яшашмоқдалар. 37 та квартира маҳаллий ҳокимият органлари ва қурилиш ташкилотлари ихтиёрига берилган. 1990 йил декабрь ойида фойдаланишга топширилган 48 квартирали уйдаги 32 квартиранинг 27 таси маъмурият ва касаба уюшмасининг қарорига биноан ўз ишчи-хизматчиларимизга берилди.

Уй-жой билан таъминланувчилар рўйхати 1991 йил 11 январь куни шаҳар ижроия қўмитасининг уй-жойларни тақсимлаш бўлимига топширилганди. Аммо, кўчиб ўтувчиларга ўз вақтида ордер берилмади. Оқибатда муҳтожлар тайёр уй-жойларни берухсат эгаллаб олишди. Биз акт тузиб ноқонуний эгаллаган квартираларни бўшатиб қўйишни талаб қилдик. Аммо, бунга муваффақ бўлинмади. Шаҳар ижроия комитети буни кўра била туриб, бошқаларга ҳам ордер ёзиб берди. Ҳозир уйга кўчиб ўтганларнинг ҳаммаси ордерга эга. Корхонамизнинг шаҳар ҳокими маҳкамасидан қарзи йўқ», — дейилади унда.

Шаҳар уй-жойларни тақсимлаш бўлими бошлиғи У. Отажонов содир бўлган воқеани оғзаки изоҳлашдан нарига ўтолмади. Унинг сўзларига қараганда заводнинг янги уй-жойларига кўчиб ўтганларнинг ҳужжатларида кўплаб нуқсон ва чалкашликлар бўлган. Бу эса ижроқўм қарорининг 9 ой кечикиб чиқарилишига сабаб бўлган.

Можаро тафсилоти ана шундай. Рўй берган ноxуш воқеада корхона раҳбарларининг ҳам, ижроқўм амалдорларининг ҳам иморатга берухсат кўчиб ўтганларнинг ҳам айби бор. Аммо, ҳар ким ўзгаларни айблаш пайида. Томонларнинг уй-жой учун даҳанаки жанг авжига чиққан кезлари ҳокимлик курсисига ўтирган Рустам Султоновга ўтмишдошларидан сон-саноқсиз муаммолар, хато ва камчиликлар мерос бўлиб қолди. Ҳокимда уларни бартараф этиш учун ирода, билим ва куч-ғайрат етарли. Бироқ, раҳбарликнинг илк кунлариданоқ Р. Султонов собиқ ижроқўмнинг 1991 йил 17 сентябрь қарорини бекор қилиб, уйни бир йилдан буён унда истиқомат қилаётганлар ихтиёрига беришдан ўзга чора тополмади. Ҳокимнинг янги қарори қонун ва адолат тарозусига нечоғлик мослигини баҳолаш фикридан йироқмиз. Аммо, масаланинг бошқа жиҳати ҳам борки, уни четлаб ўтишга ҳаққимиз йўқ. Рустам Султонович ўша қарорга минг истиҳола билан имзо чекар экан, бошпанасиз қолган ногирон-бева-бечораларни мурувватдан бебаҳра қолдирмаслик зарурлигини астойдил уқтирди. Таассуфлар бўлсинким, ҳокимнинг хоҳиш-иродаси шу ишга мутасадди бўлган унинг ўринбосарлари [...] Абдуллаев ва С. Раҳимберганова[...]лар фаолиятида ижобат топмади. Орадан ўтган шунча вақт мобайнида обод уй-жойларда яшашни 15—20 йиллаб орзиқиб кутган ва охир-оқибатда ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилганлар кулбасига ақалли бир марта ҳам ҳол сўраб бори[...]лади, уларга далда берилиб [...]иқ сўзлар билан сийланмади.

Эскича иш юритиш тартибию фикр-ўйлар қадрият ва рўшнолик йўлларини ҳамон бекитмоқда. Акс ҳолда муҳтожлар, етим-есирлар боши силанган бўларди.

Қўша-қўша, баланд иморатлар қураётган бой-бадавлат, қўли узун корхоналар, тили бурро одамлар Урганчда оз дейсизми? Бунинг иллатли жойи йўқ. Турмуш тўкинлигидан бир нишона, холос. Аммо, қанийди, Икром акага ўхшаган майиб-мажруҳлар ва муҳтожлар ҳам вайрона кулбани ташлаб бирон бир бошпанага кўчиб ўтишса?

Умид ва ишончдан кўнгил уз[...] манглар, «ёшулли»лар шаҳ[...] этишса бир кунмас, бир кун сизнинг кўчангизда ҳам байрам бўлади, азизлар.

Абдулла СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Тарихнинг ўқилмаган саҳифаси*

Дафтардаги битиклар

ҚАРИНДОШЛАРНИ, ёру биродарларни кўргани Қоракўлга бордим. Жияним билан қишлоқ оралаб, оламдан ўтган ҳамқишлоқларим хонадонига ҳамдардлик билдириб юрибмиз. Гап орасида ёшликдан бирга ўйнаб ўсган, ўқиган ошнам Турсунбойни ҳам ўтган куни Бобо Жўший қабристонига қўйиб келганларини айтиб қолди. «Ҳали тупроғи совимабди, ҳайда ўша томонга», дедим.

Йўлда кетаяпмизу, хаёлимда болалик, Турсунбой билан мол боқиб, кўча чангитган даврлар кўз олдимдан бир-бир ўтаверди. Охирги марта келганимда: «Шодмонқул, касалманд бўлиб қолдим. Энди учрашамизми, йўқми — Оллоҳ билади»,— деган эди. Раҳматли умри охирлаб қолганини сезган экан-да.

Машина тўхтаб, жияним «етиб келдик, тоға» деганида ўзимга келдим. Қабристон рўпарасида ҳанг-манг бўлиб қолдим. Омонатгина ўрнатилган дарвозада «Ҳазрати Бобо Жўший қабристони» деб ёзиб қўйишибди. Бир пайтлар бу ерда салобатли дарвоза бўларди. Ичкари кириб дўстим қабри олдида тиловат қилдим. Қайтиб чиқаяпману қабристонга келганимга ишонмайман. Ҳамма ёқни ўт, янтоқ қоплаган. Гўё тўқайни эслатади. Бобо Жўший қабрини зиёрат қилдим. Бир пайтлар ана шу хок устида ҳашаматли гумбаз бўларди. Ундан ном-нишон йўқ. Ўрнида «Ҳазрати Бобо Жўший» деган ёзув туширилган кичкинагина мармартош турибди. Ёзуви хиралашгани боис вафотига тааллуқли сананинг сўнгги рақами 2 ми, 5 ми — билолмадим. Хуллас, Бобо Жўший ё 1602 ёки 1605 йилда оламдан ўтган. Уруш йилларими, ундан олдинроқми, гумбаз тошларини кўчириб кетишди. Шундай обидани кунпаякун қилишса-ю, биров чурқ этмаса-я. Катта масжид ҳам вайрон бўлиш арафасида. Тирикчилик деб обидаларимизга эътибор бермабмиз. Бобо Жўший авлодлари-чи? Улар нега қўл қовуштириб ўтиribди? Бобо Жўший уларнинг ота-боболарини Кифон (Эрон)дан кўчириб келгунча озмунча азият чекканмиди?

Болалик пайтимизда бу ерда ҳар йили Наврўз сайли бўларди. Қоракўл, Олот, Жондор туманларидан, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларининг айрим районларидаги Чандир уруғига мансуб халқ келарди. Уч кун спорт ўйинлари, хўроз, қўчқор, туя уриштиришлар тоза қизирди. Бобо Жўшийни ҳам хотирлашарди. Ҳозир унақа сайллар қаёқда дейсиз.

Тошкентга қайтаётганимда йўл-йўлакай курсдошим Шукуржонникига кирдим. Узоқ йиллар Бухоро педагогика институтида ўқитувчи, сўнгра проректор бўлиб ишлаган, тарихчи олим Шукур Юсупов (марҳум) кўп йиллар Бобо Жўший фаолияти устида тадқиқот олиб борди. Тарихий манбаларни ўрганди. Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларидаги Чандир қишлоклари аҳолиси билан учрашиб, суҳбатлашди. Хуллас, анча-мунча ҳужжат тўплаганди. Аммо олим совет тоталитар тузумидан чўчиб, тадқиқот натижаларини чоп этолмай армонда кетди. Хайрлашиб чиқиб кетаётганимда, хотини қўлимга дафтар тутқазди.

...Купеда бекордан худо безор деганларидек, ўша дафтарни варақлай бошладим. Унинг биринчи саҳифасида «Бобо Жўший ким эди? Нима учун у Чандир уруғини Кифондан кўчириб келди?» деган ёзувларни кўриб қизиқишим ортди.

«Бобо Жўший давлат арбоби, маърифатпарвар шоир. У Бухородаги Говкушон мадрасасида таҳсил олаётган йиллари (1586) Қоракўл қозисининг ўғли Меҳриддин билан бир ҳужрада яшади. Қози вафот этгач, ўрнига ўғли Меҳриддин тайинланди. Меҳриддин

араб, форс тилларини мукаммал эгаллаган, шеърият сирларидан, тарихдан бохабар дўсти Бобо Жўшийни ўзи билан олиб кетади ва қозихонага мирза этиб тайинлайди. Орадан икки йил ўтгач, Қоракўл ҳокими садоқатли мирзага «танҳо» (мукофотга берилган ер, ундан солиқ олинмайди) совға қилади.

1588 йили Кифон подшоси Абдураззоқ Бобо Жўшийни ўз туғилган юрти Чандир ва Сумбир дарёлари оралиғидаги қишлоқ — Жўшга кўчиб келишини сўраб нома юборади. Шоҳ илтимосини ерда қолдиришни ўзига эп кўрмай, рози бўлади. Бироқ ҳар йили тўпланган солиқни Бухоро шоҳи Абдуллаҳонга (1557—1598) келтириб топшириш вазифаси унга юкланди.

Бобо Жўшийнинг асли исми Ғулом эди. Уни Кифон подшолигида фақат мирзагина эмас, балки шоир ҳам деб ҳурматлашарди. Ғуломнинг обрўси қунсайин ошаётганлигини кўрган Кўклан уруғи амалдорлари подшо билан мирза ўртасига нифоқ солишга уринадилар. Шоҳ Абдураззоққа одам юбориб, Ғуломни Бухорога жўнатмасликларини сўрашади. Акс ҳолда солиқ устига чандирликлардан йиғилган қўшимча пулни Абдуллаҳонга бериб, Кифонга эгалик қилмоқчи, деган бўҳтонни тўқишади. Абдураззоқ уйдирмага ишонди. «Ғулом Бухорога бораверсин, одамларни орасига икки merган қўшаман, улар барибир Чоржўйдаги Қорабаковул тўқайида ов қилишади. Шу ерда Ғуломни отиб ўлдиришади», дейди. Суҳбатни эшитиб турган чилим чектирувчи канизак воқеани шоирга етказади.

1591 йили мирза Ғулом Бухорога отланди. Йўл-йўлакай бир ўй унга тинчлик бермасди. Ким бўлиши мумкин ўша жосус? У ўзи билан келаётган шерикларини, навкарларни яхши танирди. Яна ким билади, наҳотки виждонни, дўстини пулга сотадиганлар бўлса ораларида. Бир манзил юрганларидан сўнг уларга икки навкар қўшилди. Шундан сўнг Ғуломнинг юраги ёришди. Қотиллик қилишмоқчи бўлганлар дўстлари эмаслигига ишонди. Янги қўшилган навкарларни чодирга таклиф қилиб, не мақсадда, қаёққа кетаётганларини суриштирди. Навкарлар подшонинг рухсати билан Баҳовудинни зиёрат этиш ниятида эканликларини айтишди.

Карвон Амуяга етганда (Қўҳна Чоржўйда Амударёга қурилган кўприк, 1904 йилда бузиб ташланган) Ғуломнинг буйруғи билан икки навкар тутиб, қўллари боғланди. Сўровда бор ҳақиқатни айтишмаганларидан сўнг кемада дарё кечиб, Учтўдага (қирғоқ номи) ўтказадилар. Merганлардан бирини Қиртепага чиқариб, қилич билан бошини кесиб, пастга юмалатишади. (Ўшандан буён бу жой Қиртепа эмас, Каллаюмаланди дейилади). Воқеани кўриб турган иккинчи merган қаттиқ қўрқади ва шоҳ Абдураззоқ топшириғига кўра Ғуломни отиб ўлдириш кераклигини баён қилади.

Мирза Ғулом Қоракўлга келиб бир кеча тунайди. Воқеа тафсилотини дўстларига айтади. Улар Қумробод чўлига (Қоракўл жануби) сув чиқариб берамиз, Чандир элини кўчириб кел, шу ерда яшайверишади. Бўлмаса Абдураззоқ уларга тинчлик бермайди, деб маслаҳат солишади. Ғулом Абдуллаҳондан рухсат олгач, ишга киришади. 1592 йили ҳозирги Олот районининг ғарб томонига «Кол» (катта), «Навбур» (янгиариқ) каналлари қазилди. Чандир элининг кўчиши икки йил давом этди. 1594 йил сўнгги чандир ўз юртини тарк этди.

Жўший Мирза туҳмат дардини чекди,
Элга бош бўлиб кўчиш вердига душди.
Қоракўлдай обод манзил етушди.
Асло унутмаймиз сувли Чандирим.

Мирза Ғулом ўз уруғи Қурвақали Чандирни (ҳозирги Қоракўл районининг «Коммунизм» колхозидаги Қурвақали Чандир қишлоғи) ўз «танҳо»си атрофларига жойлаштиради. Чандирлар чорвадор халқ эди. Қоракўлдан маъқул жой тополмаганлари Қарши, Самарқанд томонларга жўнаб кетишди. Ҳозирги Қарши, Касби, Усмон Юсупов, Самарқанд вилоятининг Челак районларидаги Чандир қишлоқлари шу тариқа пайдо бўлгандир».

Дафтарнинг навбатдаги варақлари қуйидаги шеър билан бошланган:

Парвардигор йироқ қилгай азобдан,
Юрак-бағрим чил-чил бўлди ғазабдан.
Эл ташвишидан қочиб юрган ғаззобдан
Афзал бўлар лойга ботган қора тош.

Инсон бўлиб ҳақиқатни изладим,
Халқим учун тўғри йўлни кўзладим.
Рақибларни тинмай бағрин тузладим,
Ғам-ғуссадан озод бўлгай азиз бош.

Эй ёронлар, дадил-дадил қадам бос,
Шер юрак бўлмасанг азоб тортар бош.
Гар менга бўлмасанглар чин йўлдош,
Жўший Мирза селдай тўкар кўздан ёш.

Кўринишдан Жўший Мирза девон тартиб этмаган. Ёки девони ҳануз топилмаган. Шукур Юсупов (асли Қурбақали Чандир фарзанди эди) Бобо Жўший шеърларини Чандир қишлоқлари аҳолиси оғзидан ёзиб олганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки баъзи шеърлар матнида қусурлар борки, шоир бундай сўзларни ноўрин қўллаши эҳтимолдан йироқ.

Ким бўлишидан қатъий назар, шоирнинг қолдирган мероси халқ мулки ҳисобланади. Шу пайтгача тоталитар сиёсат кимни ёмон отлиққа чиқарса, унинг ижодига ҳам ўгай кўз билан қараш одат эди. Халқ мулки дахлсизлигини унутганлик. Энди тарихда из қолдирган фозиллар, давлат арбоблари ҳаёти, ижодий фаолиятини ўрганишга фурсат етди. Бухоро, Тошкент олий ва илмий тадқиқот институтларининг олимлари нима дейишаркин?

Шодмон КАМОЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

Азаматжон ИСМОИЛОВ

Бешафқат ўлим ажойиб инсон, истеъдодли раҳбар, Жалолқудуқ райони ҳокими, вилоят ва район Кенгашларининг депутати Азаматжон Исмоиловни бевақт орамиздан олиб кетди.

А. Исмоилов 1945 йил, 6 декабрда Жалолқудуқ районидаги Тошматов номли (аввалги Димитров номли) жамоа хўжалигида деҳқон оиласида таваллуд топди. Ўрта мактабни тамомлагач, 1962 йилда Андижон Давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Армия хизматида бўлди. Кейинчалик райондаги 53-ўрта мактабда ўқитувчи, колхоз комсомол ташкилотининг котиби, ЛКСМ район ташкилотининг котиби бўлиб ишлади. 1976 — 1978 йилларда Тошкент Олий партия мактабида таҳсил кўрди. Шундан сўнг у қарийб ўн йил партия, Совет ишларида меҳнат қилди.

1987—1990 йилларда А. Исмоилов ўзи туғилиб ўсган Димитров номли жамоа хўжалиги бошқарувига раислик қилди. Мана шу қисқа давр ичида у ўзини чуқур билим эгаси, моҳир ташкилотчи, хўжалик ишлаб чиқаришининг жонкуяри сифатида намоён эта олди. Унинг раҳбарлигида жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида сезиларли ютуқларга эришди.

Азаматжон Исмоилов 1990—1991 йилларда аввал Жалолқудуқ район партия комитетининг иккинчи котиби, кейинчалик халқ демократик партияси район Кенгашининг биринчи котиби лавозимларида ишлади. 1992 йилнинг февраль ойидан бошлаб эса район ҳокими лавозимида меҳнат қилаётган эди.

А. Исмоилов районга ҳокимлик қилган мана шу қисқа давр ичида район саноати ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришга катта ҳисса қўшди. Бозор иқтисодиёти шароитида район аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлигини сақлаш, турмуш фаровонлигини ошириш борасида унинг раҳбарлигида муайян ишлар қилинди. У одамлар қалбига йўл топа билиши, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига бўлган юксак эътибори билан ажралиб турар эди. Азаматжон Исмоилов нафақат тадбиркор раҳбар, ўз юрти ва Ватанига содиқ фарзанд эди.

У энг навқирон ёшда, Жалолқудуқ райони ва Мустақил Ўзбекистон равнақи учун астойдил меҳнат қилаётган, ўзининг билим ва тажрибасини, куч-ғайратини халқ бахт-саодати учун курашга сарфлаётган бир пайтда ҳаётдан кўз юмди.

Азаматжон Исмоиловнинг порлоқ хотираси уни билган, у билан бирга ишлаган ва яшаган барча кишиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

Жаҳон 24 соат ичида

ЛЕОНИД КРАВЧУК: ҚУЛЛИККА ҚАЙТИШ ЙЎҚ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг 22 январга белгиланган Минск учрашуви олдидан Украина Президенти Леонид Кравчук мамлакатда фаолият кўрсатаётган партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар раҳбарлари билан маслаҳат кенгаши ўтказди. Давлат бошлиғининг гапларига қараганда бу учрашувни ўтказишдан асосий мақсад, аниқ бир қарор қабул қилиш эмас, аксинча, МДҲ низоми лойиҳасига нисбатан умумий муносабатни ишлаб чиқиш ва Украиннанинг Ҳамдўстлик таркибида қолишқолмаслигини муҳокама қилишдир.

Украина сиёсатдонлари бир неча соат давомида ушбу масалалар юзасидан ўзларининг шахсий ва партиявий мулоҳазаларини билдирдилар. Бир-бирига қарама-қарши мулоҳазалар ўртага ташланди: бир гуруҳ сиёсатдонлар МДҲ низомини имзолаш керак эмас ва Украина Ҳамдўстликдан чиқиши зарур деган фикрни илгари сурган бўлсалар, айрим партия ва ҳаракат раҳбарлари ҳавола этилажак ҳужжатни имзолаш лозим ва Ҳамдўстлик ичида кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш керак, деган таклифни тавсия этдилар.

Учрашувда танқидий руҳ устунлик қилди. Сўзга чиққанлар Ҳамдўстлик низомининг ташқи сиёсатни мувофиқлаштириш, ягона иқтисодий маконни сақлаб қолиш зарурлиги, ташқи чегараларнинг бирлиги тўғрисидаги ва шунга ўхшаш бандларини қаттиқ танқид қилдилар. Президент Леонид Кравчук эса лойиҳанинг МДҲ давлатлари бошлиқлари кенгаши қарори келишув асосида қабул қилиниши тўғрисидаги 23-бандига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, аввал қабул қилинган қарорлар шундан далолат берадики, улар доимо кўпчилик овоз билан қабул қилинар, томонлар эса келишув тамойилига амал қилмас эди. Украина Президенти ушбу тамойил Украинанинг мустақиллигини чеклабгина қолмасдан, барча давлатларнинг нафсониятига тегади, деб ҳисоблайди.

Снёсий партиялар раҳбарлари билан учрашув натижаларини умумлаштиркан, Леонид Кравчук ҳатто қон тўкишдан ҳам тап тортмай Украина халқини қайта қуллик асоратига солишга уринаётганлар билан чиқиша олмайман, деб айтди. МДҲ низоми лойиҳасига шахсий муносабатини билдира туриб, Украина Президенти МДҲ давлатлари ҳавола этилаётган ушбу ҳужжатни имзолаш учун ривожланиш даражасидан ҳам, ўз давлатчилик устқурмаси шаклланиши жиҳатидан ҳам тайёр эмаслар, деди. «МДҲ низоми лойиҳасини унга илова қилинадиган барча шарҳли ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқиш мумкин. Зарурий ҳужжатлар тайёр бўлгач, мутахассислар камида ўн йил давомида уларни ўрганиб чиқсинлар. Тарихий ҳужжатларга енгил-елпи ёндашиб бўлмайди: бугун қандайдир ҳужжатни имзолаб, уни эртага эсдан чиқариш ярамайди», деди Президент.

Давлат бошлиғининг фикрича, МДҲ низоми Украиннанинг миллий қонунчилиги ва миллий манфаатларига зид бўлган бир ҳужжатдир. Ҳамдўстлик низоми МДҲни янги иттифоққа айлантиришга уринаётганларга керак. Жумладан, дунёда собиқ СССР ҳудудида янги Югославия вужудга келишидан ва собиқ империя ядро қуролларининг тарқалишидан кўра, иттифоқнинг қайта тикланишидан манфаатдор бўлган кучлар бор. Россияга эса, Леонид Кравчукнинг талқинича, янги иттифоқ керак, чунки у буюк давлат мавқеини сақлаб қолишга интилмоқда. Тайинки, унинг бу интилишига қаршилик кўрсата оладиган куч ҳозирча йўқ. Бошқа жиҳатдан олганда эса Россия Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир аъзоси сифатида ҳар бир халқнинг ҳоҳиш-истагини тан олмоғи шарт.

Хуллас, Киевда бўлган учрашув Украиннанинг МДҲга муносабатини тўла ойдинлаштириб бера олмади. Бироқ, шу нарса маълумки, Минск учрашувида Украина Республикаси МДҲнинг ҳозирги низомини имзоламайди. Украинадаги барча нуфузли снёсий кучлар Президентни қўллаб-қувватлаши шундан далолат беради.

Игорь ГРУШКО,
ЎзА мухбири.

НЕФТЬ ДЕНГИЗГА ОҚМОҚДА

Шимолий денгизга катта фалокат хавф солиб турибди.

5 декабрь куни Либерия Республикасига қарашли 85 минг тонна ишланмаган нефть юкланган танкер Шимолий Шотландия яқинидаги Шетландия оролларидан минтақасида кучли тўлқин натижасида бошқарувин йўқотди ва саёзликдаги қояларга урилди. Ахборот маҳкамалари тарқатган хабарларга қараганда, нефть денгизга оқа бошлаган.

(ЎзА).

• *Тарихнинг ўқилмаган саҳифаси*

ТЕМИРЧИЛИК ҲУНАРИ МУЗЕЙИ

Бухоро давлат меъморлик-бадиий музей-қўриқхонаси ходимлари бир вақтлар Бухорода яхши ривожланган темирчилик ҳақида ҳикоя қилишдан ташқари шу ҳунарни тиклашга аҳд қилдилар. Улар ўн олтинчи асрда қурилган тоқи-телпакфурушон расталарида темирчилик ҳунари музейини ташкил этдилар.

Музей бир неча юз йил давомида машҳур бўлган Бухоро темирчилик устахонаси ўрнида барпо этилди. Музейда қадимий шаҳарда темирчилик қандай ривожланганлиги ҳақида кўп нарсани билиб олиш, турли даврларда маҳаллий усталар тайёрлаган буюмларнинг намуналарини — қуроллар, совут, турли рўзғор буюмларини кўриш мумкин.

Бу ерда ташкил этилган кўпгина музейлардан фарқли равишда темирчилик музейи «жонли» музейга айлантирилди. У темирчилик устахонаси билан ягона мажмуани ташкил этади. Устахонада эса темирчилик ота касби бўлган Шокир Камолов ака-укалари билан биргаликда ишлай бошлади.

Устахонада эрта тонгдан қош қорайгунча болға овози эшитилади. Бу ерда усталарнинг ишини фақат саёҳатчилар томоша қилмайдилар. Ҳозир темирчиларнинг иши кўп. Кимдир от(?) тақа қоқдиради, кимгадир хўжалигида бирор нарса зарур бўлади, баъзи бировлар эса бу усталардан темирчилик касби сирларини ўрганишни хоҳлайдилар. Хуллас, шаҳарнинг ҳар томонидан уларнинг олдига одамлар келиб турибди. Бошқа касблар каби темирчилик ҳунари сирларини оталар фарзандларига ўргатиб келганлар. Бухоро темирчиларининг шуҳрати олисларга таралгани сир эмас. Шарқ бозорларида улар ясаган буюмларни беҳато аниқлаш мумкин эди. Бу буюмлар ҳеч қачон касодга учрамаган.

Ҳозир Бухорода 10 га яқин музей ишлаб турибди, уларнинг орасида гиламдўзлик, тикувчилик ва бошқа музейлар бор. Улар Бухоро шуҳратига — шуҳрат қўшган қадимий ҳунармандчилик тарихи ҳақида ҳикоя қилади, халқ ҳунармандчилигини тиклашга кўмаклашади. Уларнинг ҳаммаси меъморлик-бадиий музей-қўриқхона ходимлари кучи билан барпо этилган.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзА мухбири.

Вобкент районидаги Рўзи Ҳусанов номли жамоа хўжалигида 600 бош қорамол боқилмоқда. Шулардан 280 боши соғин сигирлардир. Хўжалик чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказяптилар.

СУРАТДА: ана шу жамоа хўжалигининг илғор сут соғувчиси Саодат Ибодовани кўриб турибсиз. Унинг қарамоғида 14 бош қорамол бўлиб, ўтган йили ҳар бош сигирдан 2 минг 600 литрдан сут соғиб олди.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

• *Хайрия—кўнгил дегани*

ЯНГИ РЎЗҒОРИМИЗНИ ТИКЛАБ ОЛАЯПМИЗ

Тарих олдида лаҳзага менгзагулик инсон умридан яна бир йил ўтди. Истаймизми, йўқми, нимага эришдиғу қайси ишимиз бармоқларимиз учида қолди, субҳидам сарҳисоб қилишга маҳкуммиз.

Сиёсату миллатпарастликдан айри, фақат инсон руҳий оламига-да инонувчи Қизил Ярим ой жамияти ҳам кечагина хайрия жамғарма тўплаш оммавий мавсумини тугатди. Шу боис у — бизнинг жамиятимиз ғалвирни сувдан кўтаришу борини сарҳисоб қилишга ҳақли.

Очиғи, бундай хайрия мавсуми жамият томонидан илк бор ўтказилди. Чунки у бу йил собиқ иттифоқ тўрачилигидан қутилди, рўзғорига ўзи бек бўлди. Бу ҳам Истиқлолга эришганимиз шарофати-да. Қолаверса, шўролар — «ривожланган социализм» даврида қашшоқ бечораҳоллар (йўқ эмас) бўлиши мумкин эмас, дейилар — ҳақиқат юзига тупроқ тортиларди. Энди бор гапимиз очиқ-ошкора, шу боис жамиятимиз нуфузи мамлакатимиз обрўси, унинг номига (дунёнинг энг чекка қирғоқларида баралла янграётганига) мос равишда ошиб бораётир. Юмушларимиз, жамиятимиз ташкилотчилик фаолияти халқаро Қизил Ярим ой жамияти саъй-ҳаракатларига ҳамоҳанг. Негаки, ҳали айтганимдай, мамлакатимизнинг мустақиллиги боис жамиятимизнинг мақомию дастури тубдан ўзгарди, мустақил умуммиллий қиёфада Қизил Яримой ва Қизил хоч халқаро федерациясига аъзо бўлдик.

Жамиятимизда ёлғиз қариялар, меҳнат ва уруш фахрийларига тиббий-маънавий ёрдам кўрсатувчи «Оналар ва болалар» деб аталмиш дастур асосида кўп болали, кам таъминланган оилаларга «кўз-қулоқ» бўлгувчи мурувват хизматларини ташкил этяапмиз. Табиий муҳит ҳалокати хавф солаётган Оролбўйи каби ҳудудлар аҳолисига кўмак бериш борасида дастурларимиз бор. «Матонат» спортсоғломлаштириш ногиронлар клубини ташкил этишда ҳам амалиётчи бўлганимизни айтсак, мақтаяпти деб ўйламанг.

Хориждаги каби ўз Низомимиздаги юмушларни амалга оширишимиз учун ўз от-уловимиз, шифохонаю дорихона, техник воситаларимиз бўлиши зарур, албатта. Шу боис биз мурувватли халқимиз, танти ишбилармонларимизга мурожаат қилдик ва адашмаган эканмиз. Хайрия мавсумининг дастлабки 10 кунидаёқ ғазнамизга 40 миллион сўмдан ортиқ пул тушди.

Сездикки, мурувватли одамларимиз орасида муаллиму шифокорлар кўпчилик экан, бундан бошимиз осмонда. Тошкент, Ангрен, Наманган, Бухорою Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм томонларда ўзгалар дардига шерик бўлишга ҳам маънавий, ҳам моддий қурби етадурғон саҳоватпеша одамларимиз оз эмаскан. Қаршилик ҳудудий шифокор Мамарасул Усмонов, Ургут ипак йигирув фабрикаси ишчиси Аҳмаджон Саиджонов, навоийлик Арина Эм сингари кишилар эса ўз шахсий жамғармаларидан ғазнамизга баҳолиқудрат маблағ ўтказишибди. Ўйлайманки, мен исмларини тилга олмаган биродарларимиз хафа бўлмайди. Уларга энг самимий, қайноқ тилакларимизу истакларимиз бахшида.

Қурилиш материаллари етишмай турган бугунги қийинчилик кунлари қарамоғимиздаги уй ва маиший техникани «Ўзмаишийсозлаш» идораси бекаму кўст қилиб берамиз, деганини айтмайсизми? Биласиз, рублнинг қадри кундан-кунга тушиб кетаяпти. Гулистон тикувишлаб чиқариш бирлашмаси ва яна бир пойафзал фабрикаси пул ўрнига хайрия мақсадида жамиятимизга ўз тайёр маҳсулотларидан ажратишди. Хайрия мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишда жойлардаги ҳокимлик ва маҳкамалар катта ёрдам берганини айтмасак бўлмас.

Насиба Абдуллаева, Ғиёс Бойтоев, Маҳмуджон Азимов сингари хушовоз хонандалар ўз концерт дастурларини хайрия мақсадида уюштирдилар. Юзлаб ташкилотлар эса жамиятимизга тадбирларимизни безатиш, тайёрлашда катта кўмак беришди. Жамиятимизнинг барча аъзолари номидан уларга миннатдорчилик билдирамиз.

Янги йилда қилинажак ишлар дастурини тайёрлаб қўйдик. Хайрия мавсуми даврида тўпланган маблағнинг ҳар сўми аниқ ва зарур мақсадга сарфланишига шубҳа йўқ. Илойим хонадонимиз, юртимиз, дилларимиз бундан кейин ҳам осойишта, барқарор бўлсин.

Роза САМИГУЛЛИНА.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯПОН ФИРМА ДЎКОНИ

Самарқандда Японияннинг машҳур «Панасоник» фирмаси дўкони очилди. Афғонистоннинг «Айэк групи» фирмаси билан Самарқанддаги «Шарқ» акционерлик-савдо бирлашмаси унинг муассислари бўлишди. Дўкон пештахталарига электр дазмолдан тортиб, энг сўнгги нусхадаги телевизор ва видеомагнитофонларгача хилма-хил буюмлар қўйилган. Улар унчалик қиммат эмас, лекин ҳозирча хорижий ақчага сотилмоқда.

ДУНЕ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Самарқанд тинчлик ва бирдамлик музейи, маданият жамғармаси вилоят бўлими ҳамда «Маданият» хўжалик ҳисобидаги бирлашма аъзолари саъй-ҳаракати билан вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройида «Дунё болалар нигоҳида» мавзуида кўргазма очилди. Унда тайвандлик ёш мўйқалам соҳибларининг саксонга яқин расми намойиш этилмоқда. Тасвирларда табиат ва инсон, она диёр гўзаллиги, экология мавзулари болаларча соддалик ва ростгўйлик билан акс эттирилган.

Энг яхши расмлар муаллифи махсус соврин билан мукофотланади. Қизиғи шундаки, голибин иқтидорли болалардан иборат ҳайъат аниқлайди.

Ҳамроқул РИЗО

«ЧЎЛНИ КЎРИШ УЧУН ЧИҚАР ОЙ, ЧЎЛ АЛПОМИШЛАР ЯШАБ ЎТГАН ЖОЙ»

Ҳамроқул РИЗО сирдарёлик. У шу воҳанинг деҳқонига, боғбонига, шўрхок ерига, ўйноқи шамолига шеър бағишлаган. У бир сўзни такрорлаб юришни хуш кўради: «Чўлни кўриш учун чиқар ой, чўл — Алпомишлар яшаб ўтган жой». Бу сўзда табиат ва инсон бирлиги мужассам. У «Баҳор келтирган қувонч», «Сирдарё қасидаси», «Яйлов мушоираси», «Зангори дарё», «Чўл қалдирғочи», «Чўлда баҳор», «Олтинсоч» каби китоблар муаллифи. Бугун сиз азиз газетхонларга шоирнинг бўлажак янги китобидан бир туркум шеърларини тақдим қилаяпмз.

МАЙСА

Қор билан она-ер беланчагида
Баҳорни кутмоқда буғдой донаси.
Ҳадемай қизарган уфқ тагида
Кўринар майсанинг кўк нишонаси.
Униб чиқ, майсажон, тонг каби кулиб,
Кўзимни яйратсин яшил жамолинг.
Ҳайрат — ҳаяжонда сенга термилиб
Истайман, бу юртда завқли камолинг.
Сени деб, самога тик чиқар офтоб
Ва сочар бошингдан ҳовуч-ҳовуч нур.
Деҳқоним бағрида қилади хитоб
Дилни эркаловчи ёқимли сурур,
Кел, сенга бир нафас тўйиб, термулай,
Шамол оғушида тебранган майсам.
Доврўғинг оламга мен достон қилай,
Шу ўлкада шоир бўлиб улғайсам.
Майсажон, билсанг гар шоир
мадҳ этиб,
Донингни атайди ердаги юлдуз.
Гарчанд, юлдуз порлар
оқ тонгни кутиб,
Сен бўлсанг порлайсан кечаю кундуз.
Сени кипригимга суртганим маҳал
Гулларга ўрайин, дейман, деҳқонни.
Сен менинг еримга бериб нур, сайқал,
Дунёга танитдинг Ўзбекистонни.
Шу боис, шеъримга берасан тўлқин
Таърифинг тилимдан тушмагай сира.
Элим бежиз айтсам: «Буғдой
ҳам олтин»,
Жаҳоний қадрингга қилиб ишора.
Не бахтки, мен сени ёзсам достонда,
Юрагим тўрига жо бўлар баҳор.
Менга она бўлган жон Ўзбекистон,
Сенга ҳам онадир, билсанг, буғдойзор.

БОШЛАЙДИ

Серка қўйн-қўзини қирга бошлайди,
Бедана шеригин тўрга бошлайди.
Ҳаётда бу ҳолни юз бор кузатдим,
Очкўз хотин эрин гўрга бошлайди.

СИРДАРЁ

Зеҳни ўткир бўлган одамлар мисол
Ёлғондан рост сўзни, албатта,
фарқ қил.
Бошингга такаббур келса гар алҳол,
Уни гирдобингга тортгину ғарқ қил.

ШОИР ВА ОЛМА

Қирмизи олмага кўз тик, назар сол,
Тандирдамас, офтоб тиғида пишган.
Шоир китобини қўлларингга ол,
Ҳар сатри юракнинг чўғида пишган.
Олмани нлиндим шоирга, укам,
Лекин шоир уни чайнай олмади.
Тишлар йўқлигидан у бўлди мулзам,
Ҳеч бўлмаса уни ёнга солмади.
Биласиз, бир пайтлар бу оқил шоир
Булоқдай мавжланиб, қайнаган эди.
Аён, ҳасадгўйлар чайнашга моҳир,
Ўшалар шоирни чайнаган эди.
Тебранади шоир турса гар шамол,
Балки, у бир куни тўкилар тутдай.
Юртига хусумат қилганлар аввал,
Шу юрт шоирини чайнарлар атай.

ГУЛСУН

(1932 йил шеъри)

Гулсун барно эди қишлоғимизда,
Лолалар ўпарди этакларини,
Ўриклар гулларди боғларимизда
Тинглаган маҳали эртакларини.
Тақдири боғлансин баҳорга, ёзга —
Деб сочин силарди ёшликнинг қўли.
Бир эртак сўйлай, деб шу сулув қизга,
Сутдай тошар эди ул Самон Йўли.
Аммо бахтга қарши оч эди замон,
Дарахтлар пўстини ер эди одам.
Сталиннинг қўли қонларга ботган,
Қон ҳидидан карахт эди бу олам.
Гулсун орзулари дўнди фарёдга,
Лабларин қуйдирди ўкинч, ноласи.
Олтмиш ёшдан ошган Султонмуродга
Бир қадоқ арпага сотди отаси.

ТУЙ

Қишлоқи ўзбекни хор қилган ҳам тўй,
Дунёни кўзига тор қилган ҳам тўй.
Ўн йиллаб йиққани бир кунда адо,
Қишлоқликни нонга зор қилган
ҳам тўй.

НАЪРА

Тоғлардан тушганда сел наъра тортар,
Селлар қуйилганда кўл наъра тортар.
Бахтинг чопмаса гар ўзингсан сабаб,
Тўхта, эшитиб кўр, дил наъра тортар.

ЧАҚМОҚ

Танангни иситмас кўкдаги чақмоқ,
Иғво тўқимоқлик асли пуч ёнғоқ.
Саломга алик ол, ўтиб кетавер,
Вақтингни ўғирлар бекорчи, аҳмоқ.

НОНИМ

Муҳаббат сойида оқолмаганлар,
Ё бир от, ё бир қўй боқолмаганлар,
Сени урол қилди, эй азиз ноним,
Тишида бир данак чақолмаганлар.

КУКСИМ

Кўксим офтобдаги қизиган бир мис,
Кўзимда шашқатор илҳомий бир ҳис.
Нонга ношукурни қаҳрига олсин,
Ундан юз ўгирсин ҳаттоки иблис.

УШОҚ

Ушоқни кўради кўкда учган қуш,
Ушоқни кўрмоқлик унга ёқар хуш.
Нурли бир саҳарда дунёга келиб,
Буғдой экмаганнинг умри мавҳум туш.

ТУРМАНИНГ СЎЗИ

(1989 йил шеъри)

Йироқ-йироқларга кетган овозам,
Деволим тошдану темир дарвозам.
Қонунларим бордир қатъий, мустаҳкам,
Буларни мардумлар кўришар баҳам.
Давлат тизимини ўқиб тураман,
Қарғадай кўзларни чўқиб тураман.
Сталин, Берияга келтирдим шонлар,
Менда Усмон Носир тупирди қонлар.
Қодирий кўзларин ғамдан тиндирдим,
Чўлпон суякларни бир-бир синдирдим.
Мен тортдим пичоқни Фитрат бўғзига,
Қумларни тўлдирдим Акмал кўзига.
Аммо учрамади меннинг қаҳримга,
Рўба-рў келмади сочган заҳримга
Файзулла, Акмални сотган сотқинлар,
Не-не мардларга тош отган сотқинлар,
Шоирлар мен учун битмаган достон,
Менман тирикларга ёпиқ гўристон.
Умрим чечаклари, десанг, сўлмасин,
Оёғинг мен томон юриб келмасин.

АЁЛГА ҚАСИДА

Оловнинг қизғин чўғи
Аёлнинг юрагидан.
Қушдаги толмас қанот
Аёлнинг тилагидан.
Юлдузлар равшанлиги
Аёл юзининг нури.
Йўлларнинг ойдинлиги
Аёл кўзининг нури.
Қалбининг поклигидур
Бу осмон тиниқлиги.

Аёлнинг ўйларидан
Тонгларнинг илиқлиги.
У отган гулдасталар
Осмондаги камалак.
У сочган олтин-зардур
Гуллардаги капалак.
Тарновларга қўнай деб
Қанот қоқар мусича.
Мунаввар нурга тўлар
Аёл ўтган ҳар кўча.
Набирам терсин дея
Боғбон олма қоқади.
Муз қотган дилга фақат
Аёл олов ёқади.
Пасткаш, бевафо йигит
Рўмолига арзимас.
Сочидан эсган майин —
Шамолига арзимас.
Хайём лабин қўйгандир,
Сопол кўзаларига.
Бобур бошин қўйгандир,
Унинг тиззаларига.
Унинг кўйида Машраб
Бир умр йиғлаб ўтган.
Ҳар бир айтган сўзида
Юрагим тиғлаб ўтган.
Аёл сочин тарай деб,
Тонгда чиқади қуёш.
Аёл боши деб, ой —
Оқ булутга қўяр бош.
Ҳар уйга файз бахш этган,
Аёл Ризонинг сўзи.
Аёл яшаш қувончи,
Аёл ҳаётнинг ўзи.

БУГУН

Менга сўз айтди бугун
Сокин оққан Сирдарё:
«Умрдан ўтди бир кун,
Айт, сен нега бепарво?!»
Менга сўз айтди бугун
Янгажоним Гулбаҳор:
«Кеча соч қора эди,
Бугун унда қорлар бор».
Менга сўз айтди бугун,
Тонгда мудраган ялпиз:
«Бир пастда ёз ўтибди,
Бир пастда келибди куз».
Менга сўз айтди бугун,
Вижирлаган қалдирғоч:
«Умр қисқа, эзгуликка—
Эшигингни катта оч!»



ТОҒЛАРГА ҚОР ТУШСА...

А. ПОРТНОВ олган сурат.

ШУ КУННИНГ ГАПИ

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР БИЛАН ПАХТА ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИЛАР ҲАНГОМАСИ

Бултур Сариосиё тумани юқоридан пастга қараб «бўлинган» эди: пахта тозалаш заводи Узунда қолиб кетувди. Сариосиёга эса ўн минг тоннага яқин пахтани қабул қилиб олиш мумкин бўлган Тоқчиён ва Тўполанг қабул пунктлари тегувди.

Кўнгиллари тоғдай кўтарилган сариосиёлик пахтачилар жўшиб-қувнаб пахтани қабул қилавердилар. Аммо туманда пахтани қайта ишлайдиган корхона йўқ. Мавсумнинг охири кўринib қолгандан кейин улар аввалги хўжайин — Узун пахта тозалаш заводига боришди. Мустақил бўлганлари учунми, илгариги раҳбарлари — Узун пахта тозаловчилари билан тенг туриб гаплашишди.

— Ҳар тележкадаги пахтани тортиб кўриб, тозалиги ва намлигини алоҳида текширувдан ўтказиб қабул қиламиз, — дейишди пахта тозаловчилар.

Бу гап пахта қабул қилувчиларни ҳайрон қолдирди ва, турган гапки, қаттиқ ранжитди ҳам:

— Ўзимиз ўлчаганмиз, ўзимиз текширганмиз, сизлар биз олиб келган пахтани индамай ишлаб бераверинглар.

Ана шундан сўнг пахта тозаловчилар пахта қабул қилувчиларга шундай ҳужжатларни кўрсатишдики, улар: «Ҳали шундай денг!» деб юборишди.

Бу тушунмовчиликнинг бошланганига икки ойдан ошди. Аммо ҳозирга қадар бир битимга келишилгани йўқ. Чунки улар зўр бериб ўзлари учун қулай бўлган пахта тозаловчиларни излаб юришипти. Денов пахта тозалаш заводи билан ҳамкорлик қилиш йўлидаги ҳаракатлар ҳам шоду хуррамлик билан тугамаган кўринади. Шунинг учун пахта қабул қилувчиларнинг муваффақиятга эришишига кўзимиз етмайди. Чунки Сурхондарёдаги пахта тозалаш заводларининг энг катта директори Жалолиддин Халилов: «Вилоятда бундай завод йўқ. Ҳаммаси ҳам ўлчаб, текшириб олади. Бу масала шахсан ўзимнинг контролимда турипти!» — деди.

Бизнинг фикримиз эса бундай: ҳисобни бўри егани йўқ!

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Газетанинг ушбу сонига А. Йўлдошев ва И. Худоёров навбатчилик қилишди.

ЭЪЛОНЛАР

Жамғарма банки

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИР ЛАҲЗАЛИК ЛОТЕРЕЯЛАРИ ЭНГ КАТТА ЮТУҚ-

10 000 000 СЎМ!

10 000 000 ва 5 000 000 сўмлик ютуқларнинг эгалари хорижий фирмаларнинг автомобилларини олиш ҳуқуқига эга.
25 000 - 1 000 000 сўмгача бўлган ютуқ эгалари видеокомплекслар, телевизорлар, музлатгич ва бошқа хорижда ишлаб чиқарилган молларни имтиёзли шартларда харид қилишлари мумкин.



ЮТИШ ИМКОНИЯТИ



ЖУДА КАТТА - ҲАР УЧИНЧИ БИЛЕТ ЮТУҚЛИДИР !





Қиймати 100 сўм бўлган бир лаҳзалик лотереялар Жамғарма банки муассасаларида ва жамоатчи тарқатувчилар томонидан сотилмоқда.

Лотерея шартлари тўғрисидаги маълумотларни билет сотилаётган жойдан туриб қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин :
54-26-31, 33-51-95, 45-35-49.

"ЭКОСАН" Ўзбекистон экология ва саломатлик Фонди

"ВОСТОК" фирмаси Ўзбекистон Жамғарма банки

"ЎЗБАНКАУДИТ"
АКЦИЯЛИ ЖАМИЯТИ

бўш лавозимларга, Олий иқтисодий маълумотга эга бўлган, банклар ёки бошқа ташкилотларда банк операцияларидан хабардор бўлиб ишлаб тажриба орттирган иқтисодчилар ва ҳисобчилар танловини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

"Ўзбанкаудит" А/Ж шартнома асосида мустақил холисона экспертиза ўтказади, молиявий фаолиятни тахлил қилади, банклар ва корхоналарнинг балансларини, улар фойда ёки зарар кўриб ишлаётганини тасдиқлайди, маслаҳатлар беради.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Ташкент шаҳри Ўзбекистон шоҳкўчаси, 6-уй 231, 247 хоналар,
телефонлар: 32-37-78, 32-22-81

ДИҚҚАТ!

Сўнгги пайтларда Ўрта Осиё темир йўлида йўловчи поездларга билет олиш муаммога айланиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти бошқа турдаги транспортларга қарагандa энг арзон бўлганлиги учун ҳамда баъзи чайқовчилар кўплаб билет сотиб олиб уни 3-4 баравар қимматига пуллашаётганлиги туфайли кассаларда жой бўлмаяпти.

Аҳолининг ҳақли талабларини инобатга олиб темир йўл

1993 ЙИЛНИНГ 15 ЯНВАРИДАН БОШЛАБ

йўловчи поездларга билетларни шахсни тасдиқловчи ҳужжат / паспорт, харбий билет, хизмат гувоҳномаси / бўйича сотади.

Поездларга билетдаги исм-шариф ҳужжатдагига мос келган тақдирдагина чиқилади.

Ҳурматли йўловчилар! Бегона шахслардан билет сотиб олманг!

Фақат тўғри расмийлаштирилган билетгина поездда юриш ҳуқуқини беради.

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош давлат солиқ бошқармаси жамоаси Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи Д. Д. Бобожоновга отаси

Душам БОБОЖОНОВ-нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Л. С. Бочкарёвага онаси

Ольга Фёдоровна ШЕЛИНСКАЯ-нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати, касаба уюшмаси ва ижтимоий кафедралар жамоалари «Иқтисодий назария асослари» кафедраси мудири, доцент

Маҳмуд ҲАМИДОВ-нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг ижодий жамоалари телевидение студиясининг режиссёр-меҳнат фаҳрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Бобо ХУЖАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раҳим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.30 Буюртма Г—33 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12